

Элдор ИБРАГИМОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

ЎЗБЕКИСТОН – ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ҚАРОР ТОПГАН ЮРТ

Асрлар давомида инсоният ўзида ўзгача эътиқод вакилларига нисбатан эътибор билан муносабатда бўлиш, уларнинг диний қарашларига нисбатан бағрикенглик ҳислатларини ҳам шакллантирди. Бошқача айтганда, диний бағрикенгликнинг, замонавий тилда ифодалаганда, диний толерантликнинг ҳам илдизлари узоқ мозийга бориб тақалади. Диний бағрикенглик ҳамиша адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. У турли эътиқодларнинг бир замон ва маконда биргаликда мавжуд бўлишига, уларга эътиқод қилувчилар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига йўл очган. Бу эса ўз навбатида юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига хизмат қилган.

Ўзбекистон халқига хос диний бағрикенглик асослари мураккаб жараёнлар синовлари натижасида юзага келган. Оғир синовларни бошидан кечирган турли эътиқод вакиллари қийин вақтларда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, ёрдам берганларига қўллаб мисолларни келтириш мумкин.

XIX асрда Россиянинг марказий минтақаларидан мажбурлаб кўчирилган деҳқонлар ночор аҳволга тушиб қолганда мусулмон аҳоли уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатганлиги ҳақида тарихий далиллар мавжуд. Бу борада митрополит Владимир ўша давр воқеаларини кўрган иероманах Харитон «Маҳаллий аҳоли бечора кўчманчиларга ҳамдардлик билан меҳрибонлик қилишмоқда, акс ҳолда уларнинг кўпчилиги очарчилик ва

муҳтожликдан ўлиб кетган бўлар эдилар»¹, – деб айтган сўзларини келтиради.

Биринчи жаҳон уруши даврида Туркистонга минглаб асирлар бадарға қилинганлар. Улар орасида католикликка эътиқод қилувчи австрияликлар, поляклар, венгерлар, чехлар ҳам бор эди. Л.Жукованинг «Туркистон ўлкасида ҳарбийларга бўлган муносабат жаҳон урушлари тарихида мисли йўқ ҳолат бўлган. Улар нисбатан мустақил ҳаёт кечириш тарзида яшаганлар, маълум миқдорда мустақил ҳаракатланиш, баъзан эса ўзларига иш топиш имкониятига эга бўлганлар»², – деб таъкидлаши юртимиздаги мурувватлиликини кўрсатади.

Евангель-лютеран черкови вакиллари ҳам шундай маълумотларни келтирадилар: «Немислар зичроқ истиқомат қиладиган жойларда аҳоли нафақат ибодат уйлари, балки мактаблар ҳам ташкил қилишга ҳаракат қилардилар. 1909 йилда Тошкентда қурилган немис мактаби ўзига хос маданият маркази бўлган. Мактабда спектакллар, концертлар ва бошқа байрамлар ўтказилган. Ёзда лютеранлар кечалари Кирха яқинидаги Солорга олиб борадиган боғда сайр қилардилар, немис кўшиқларини куйлардилар ва ўзаро дўстона суҳбатлар уюштирардилар»³. Лютеранларнинг

¹ Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. – Т.: 2000. – С. 43.

² Жукова Л.И. К истории Римско-католического костела в Ташкенте // К истории христианства в Средней Азии (XIX-XX вв.) / Сост.: Л.И. Исукова. – Т.: Узбекистан, 1998. – С. 225.

³ Кнауер Н.Х. Евангелическо-лютеранская церковь в Туркестане // К истории христианства в Средней Азии

бундай эркин ҳолати турли эътиқоддагиларнинг бир-бирларига сабр билан муносабатда бўлишлари қарор топганидан далолат беради. Зеро, ўзаро келишмовчиликлар ҳар қандай эркинликларни чеклашга сабаб бўлар эди.

Юртимизда ўзга динларга нисбатан сабр-бардошлилик, тушуниш, инсонийлик жиҳатдан ёрдам кўрсатиш каби бағрикенгликка тарихдан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бугунги кунда янгилашни жараёни мобайнида турли миллат вакиллари эътиқод ва виждон эркинлиги, диний мансублигидан қатъи назар тенглиги ва диний бағрикенгликни таъминланиши, уларнинг умуммиллий ғоя остида бирлашиши юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Туркистондаги учта маҳаллий ибодатхона қурилишида мусулмонлар маблағ билан ёрдам кўрсатганлар. «Чирчиқ шаҳрида ҳозирги кунгача сақланиб, фаолият юритаётган Свято-Георгий ибодатхонасининг қурилиши учун маблағ маҳаллий имом тарафидан тўланган. Самарқанддаги Свято-Алексеев ибодатхонасининг қурилишидаги асосий маблағ берувчилар рўйхатида мусулмон савдогарлари Алимбековлар сулоласи қайд этилган»⁴.

Тошкентдаги Иосиф-Георгий ибодатхонаси, Қўқондаги Қозон соборини славян ва туркий халқлари санъати уйғунлиги деса бўлади. Ўзида XVII асрнинг рус меъморчилигини акс этиб, шарқ усулида безатилган бу ибодатхона ўзбек усталари томонидан барпо этилган.⁵ Ўзбек ҳунармандларининг ибодатхоналар қурилишида иштирок этганларини христианлар бугунги кунда ҳам фахр билан тилга оладилар.

Инсонлар ўртасини ҳеч нарса ўзаро кечирилган оғир дамлар каби яқинлаштира олмайди. Большевик-атеистлар динга нисбатан тажовузкорона сиёсат олиб бордилар. Динни сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизгин жабҳаларидан бирига айлантирдилар⁶. Зеро, улар динни кишиларнинг ақл-идрокини

эгаллаш учун курашда ўзларининг ракиби деб ҳисоблар эдилар. Шунинг учун ҳам улар динни камситиш, руҳонийларни йўқотиш ва омон қолганларини бўйсундириш йўлида кескин чораларни кўриб келдилар. Бундай ваҳшийликлар оқибатида барча диндорлар қайси динда бўлишларига қарамай бир-бирларига ҳамдардлик билан ёрдам беришга уринар эдилар.

Митрополит Владимир тарихнинг бундай оғир давларида мусулмон ва православларнинг ўз жонларини хавф остига қўйиб, бир-бирларига ёрдам берганларидан ҳайратланиб, таъкидлар экан: «...Тошкент шаҳридаги Боткин қабристони ортида сургун қилинган православлар жойлашган бўлиб, бу жойни маҳаллий халқ «шанхай» деб атар эди. У ердаги чайла ва ертўлаларда 3000 дан зиёд руҳоний ва роҳибалар яшар эди. Маълумотларга қараганда, «шанхай»га ҳар куни қатағонлик хавфига қарамай ўзбек мусулмонлари овқат ва кийим-кечак олиб келиб, тарқатар эдилар. «Отиш»га ҳукм қилинган, Тошкентдаги Свято-Никольск даргоҳи роҳибаси игумения Лидия (Нагорнова) нинг қочишига Жўра исмли мусулмон йигити ёрдам берган»⁷и ҳақидаги маълумотларни келтиради. Бу мисолларни келтириш орқали у ўша даврларда Марказий Осиёнинг икки асосий динлари орасида нафақат бирга тотув яшаш, балки ҳамдўстлик алоқалари ҳам шаклланишига эътиборни қаратади.

У, шунингдек, Леонид Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш чорраҳасида» китоби ҳақида ўз фикрларини баён қилар экан, икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишига хизмат қилган яна баъзи маълумотларни келтириб ўтади:

«...Россия давлати ғазнаси ҳисобидан эллик минг нусхада чоп этилган Қуръони каримни мусулмонлар бошқармасига бегараз совға қилинган;

...Тошкентдаги Жоме масжидининг подшоҳ Александр III маблағи ҳисобидан таъмирлангани;

...Рус археологи В.Вяткиннинг кўп изланишлардан сўнг, Улугбек обсерваториясини аниқлагани;

...В.Бартольд, С.Толстов, М.Массон, Г.Пугаченкованинг Ўзбекистон тарихи фани

(XIX-XX вв.) / Сост.: Л.И. Исукова. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – С. 244.

⁴ Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. – Т.: 2000. – С. 42.

⁵ Ўша жойда.

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари вав тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон. 1997. – Б. 39-40.

⁷ Архиепископ Владимир. ...А друзей искать на Востоке. – Т.: 2000. – С. 44.

ривожига қўшган ҳиссаси»⁸. Шу ўринда айтиш жоизки, икки халқ орасида шаклланган дўстона алоқалар эътиқод жиҳатидан ҳам бир-бирларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга хизмат қилди.

70 йил давомида атеистлар халқ қалбидан ҳақиқий эътиқодни сиқиб чиқаришга уриндилар. Диний кадриятларни турли баҳоналар билан оёқ ости қилдилар. Бунинг оқибатида бебаҳо маданият – архитектура ёдгорликлари, масжиду мадрасалар, церковлар, халқнинг тарихий хотираси, маънавияти, дунёқараши муҳрланган солномалар, диний асарлар ва қўлёзмалар йўқ қилинди. Шу нуқтаи назардан қараганда, 1920-30 йиллар айниқса оғир кечганини таъкидлаш зарур. Масалан, 1929 - 1930 йилларда Туркистон худудида 14 минг масжид ёқиб юборилган. Биргина Тошкентда 1911 йилда 26 мадраса бўлса, шулардан 1930 йилларда 23 таси вайрон қилинган⁹. Кейинги йилларда ҳам бундай ҳолатлар давом этди. Масалан, 1950 йиллардан кейинги даврда 20 минг яқин ёдгорликлар бузиб ташланди. Фарғона водийсида тарихий ёдгорликларнинг учдан бир қисми сақланиб қолган, холос¹⁰.

Бу даврда нафақат ислом дини вакиллари, балки бошқа динлар вакиллари кўплаб ҳам азият чекдилар. «Большевиклар православие ва исломга бир хилда ғазаб билан тажовуз қилдилар. Бу ўлкада улар ибодатхоналарни портлатдилар, масжидларни ёқдилар. Ўша чекистларнинг ўзлари руҳонийни ҳам, муллани ҳам қамадилар»¹¹, – деб таъкидлайди митрополит Владимир. Рим-католик черкови Ўзбекистондаги собиқ ординариуси К.Кукольканинг костел биноси тарихига тўхталар экан совет даврида «Костел биносини турар жойга мослаштириб, ҳар хил мақсадларда

фойдаланилди. Турли йилларда бу бинога кабель заводи ётоқхонаси, республика акушерлик мактаби ётоқхонаси, Ўзбекистон тиббиёт техникаси бошқармаси ва омборхонаси, орган музыкаси зали жойлаштирилган»¹²и ҳақидаги маълумотларни келтириши ҳам ўша даврларда барча дин вакилларига салбий муносабат кўрсатилганидан далолат беради.

Евангель-лютеран черкови ибодатхонаси – 100 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган кирха тақдирида ҳам шундай жараёнлар бўлиб ўтган. Бу ҳақда В.Корнелиус қуйидаги маълумотларни келтиради. «1937 йил кирха ёпилганидан сўнг, то Иккинчи жаҳон урушига қадар бўш ётди. Уруш даврида омборхона вазифасини ўтади. Кейинчалик уни икки қаватга мослаштирилиб, Геология бошқармаси жойлаштирилди. Итбоқарлар жамияти, милиционерлар ётоқхонаси сифатида фойдаланилган»¹³.

Минглаб ёдгорликлар умуман ер юзидан йўқ қилиб юборилди, кўплари эътиборсиз қолиши ёки турли омборхоналару ҳаммомларга айлантирилиши оқибатида ўзининг асл кўринишини йўқотди.

Мустақилликка эришишимиз ва коммунистик мафкура, ҳужумкор атеизмга барҳам берилиши натижасида кишиларимизнинг диний, айниқса, исломий маърифатни эгаллашга бўлган қизиқиши янада ортди. Чунки, умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзида мужассам этган дин инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган. Одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган.

Мавжуд динлар ҳамдўстлиги бугунги кунда ҳам ривожланиб бормоқда. Уларни ҳамма динлар учун умумий бўлган умуминсоний ахлоқий ғоялар – тўғрисўзлик, мазлум ва заҳмат чеккувчиларга ёрдам кўрсатиш, саховат ва меҳрибонлик қилиш, ёшларни катталарга меҳроқибат, ҳурмат, андиша, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, шу билан бирга, гуноҳ ишлар ва адолатсизликка қарши муносабатда бўлиш ҳамда биргаликда ҳаракат қилишга имконият яратади.

⁸ Архиепископ Ташкентский и Среднеазиатский Владимир. Прагматизм, согретый любовью ... Размышления над книгой Леонида Левитина «Узбекистан на историческом повороте» // Восток свыше / духовное и литературно-историческое издание. – Т.: 2001. – вып. 2. – С. 136.

⁹ Абдусамедов А. Социал тараккиёт ва ислом. Т.: Ўзбекистон. – 1984. – Б. 93.

¹⁰ Ибрагимов Н. Нет народа без храма...//Человек и политика. – 1991. – № 10. – С. 25-27.

¹¹ Рядом с исламом. Беседа корреспондента «Независимой газеты» Юрия Егорова с главой Ташкентской и Среднеазиатской епархии Русской Православной Церкви архиепископом Владимиром // Восток свыше / духовное и литературно-историческое издание. – Т.: 2001. – вып. 1. – С. 50.

¹² Куколка К. Из истории католичество в Узбекистане (вторая половина XIX-XX век) // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 1999. – № 3-4. – Б.156.

¹³ Корнелиус В. Евангелическо-лютеранская церковь // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 1999. – № 3-4. – Б. 158.